

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**620 Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС)**  
**«Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида**  
**ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатлари-**  
**ни кўзлаб вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2526*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) «Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 14 октябрь,  
95-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2013 йил 14 октябрдаги  
95-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС)**  
**«Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда**  
**мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб**  
**вакиллик қилиш»**

Ушбу Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) (бундан кейинги ўринларда стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 9-сон, 497-модда) мувофиқ солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш тартибини белгилайди.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур стандарт талаблари барча солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

Мазкур стандарт билан тартибга солинмаган муносабатлар қонун ҳужжатлари, шунингдек тарафлар ўртасида тузиладиган шартномалар билан тартибга солинади.

2. Мазкур стандарт қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

бир марталик (бир йўла) хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматларга;

солиқ маслаҳатчиларининг жиноий ишни кўриб чиқиш вақтида иштирок этишига.

3. Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилишга солиқ маслаҳати бўйича хизматлар шартнома асосида кўрсатилади.

4. Хизматлар кўрсатишда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қилади, бундан мазкур стандартга ёхуд тузилган шартномага мувофиқ ҳаракатларни миждоз (ишонч билдирувчи) билан келишиш талаб этиладиган ҳоллар мустасно.

**II боб. Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш учун солиқ маслаҳати бўйича хизматлар**

5. Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш учун солиқ маслаҳати бўйича хизматлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

солиқ текшируви материаллари, уларни кўриб чиқиш тартиби, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи қарорининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан шикоят қилиш учун ҳуқуқий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш;

миждознинг (ишонч билдирувчининг) нуқтаи назарини тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиш;

давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан юқори давлат солиқ хизмати органига шикоят тайёрлаш ва бериш;

давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан шикоят кўриб чиқилётганда юқори давлат солиқ хизмати органларида миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш.

6. Мазкур стандартга мувофиқ хизматлар кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти миждозга (ишонч билдирувчига) солиққа оид низо бўйича барча вазиятлар ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни тушунтиради.

7. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиққа оид низо бўйича ўз нуқтаи назарини ва кўзда тутилаётган хатти-ҳаракатларни мижоз (ишонч билдирувчи) билан келишади.

8. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиққа оид низони ҳал этиш бўйича иштирок этиш учун мижознинг (ишонч билдирувчининг) ваколатли вакиллари, шунингдек мижознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан учинчи шахсларни жалб этишга ҳақли.

### **III боб. Судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилишда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар**

9. Агар солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш назарда тутилган бўлса, давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан юқори давлат солиқ хизмати органига берилган шикоят қаноатлантирмай қолдирилган тақдирда, алоҳида шартнома тузиш талаб қилинмайди.

Бунда солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома, шунингдек стандартнинг мазкур бобида белгиланган талабларга ҳам жавоб бериши керак.

10. Судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилишда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

солиқ текшируви материаллари, уларни кўриб чиқиш тартиби, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи қарорининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

шикоят қилиш учун ҳуқуқий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан судга шикоят қилиш;

мижознинг (ишонч билдирувчининг) нуқтаи назарини тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органининг қарори устидан судга даъво киритиш ва суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш;

судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш.

11. Агар бир шартномада солиққа оид низони судгача ҳал этиш вақтида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилишга хизматлар кўрсатиш назарда тутилган бўлса ва юқори давлат солиқ хизмати органига берилган шикоят қаноатлантирмай қолдирилган тақдирда қўшимча таҳлил, ҳуқуқий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва ҳужжатлар йиғиш талаб этилмайди. Бироқ шартномада олдин тайёрланган ҳужжатларга аниқликлар ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги назарда тутилиши мумкин.

12. Судда миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ишонч-нома асосида амалга оширилади.

13. Мазкур стандартга мувофиқ хизматларни кўрсатиш учун солиқ маслаҳатчилари ташкилоти судда ишот сифатида миждознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан у тақдим этган ҳужжатлардан, қонун ҳужжатларидан, ваколатли органларнинг тушунтиришларидан ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиши мумкин.

14. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти миждоз (ишонч билдирувчи) билан тузилган шартномада ва ишончномада белгилаб берилган барча суд инстанцияларида иштирок этади.

#### **IV боб. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг жавобгарлиги**

15. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда миждознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилишга хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида миждозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Миждозга (ишонч билдирувчига) етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

16. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти кўрсатилган хизмат оқибатлари учун жавобгар бўлмайди, агарда бундай оқибатлар миждоз (ишонч билдирувчи) томонидан нотўғри маълумотлар тақдим қилиниши натижасида юзга келган бўлса.

#### **V боб. Якуний қоида**

17. Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Олий суд раиси*

*Б. МУСТАФАЕВ*

*2013 йил 11 октябрь*

*Олий хўжалик суди раиси*

*К. КАМИЛОВ*

*2013 йил 11 октябрь*

*Давлат солиқ қўмитаси раиси*

*Б. ПАРПИЕВ*

*2013 йил 11 октябрь*